

**ЦИТРУС ИНЛИ КУЯСИ – (PHYLLOCNISTIS CITRELLA
STANTON) БИОЛОГИЯСИ ТАРҚАЛИШИ**

**BIOLOGY DISTRIBUTION OF THE CITRUS STONE MOTH
(PHYLLOCNISTIS CITRELLA STANTON)**

Рахмонова М.К
к.х.ф.ф.д., дотцент
Кудратуллаев Р
магистр
Андижон кишлок хужалиги ва
агротехнологиялар институти

Rakhmonova M.K.
Ph.D., Assistant Professor
Kudratullaev R
master
Andijan agriculture and
Institute of Agricultural Technologies

Аннотация : Ҳозирги кунда мевачилик Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулоти бўлиб, боғбон фермерлар зиммасига мева етиштиришда унинг ҳосилдорлигини кескин кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, курук мева тайёрлаш ҳажмини ошириш, аҳолини ҳамда қайта ишлаш саноатини хомашё билан тўлиқ таъминлаб, юқори сифатли маҳсулотни четга чиқариш юклатилади. Мевачиликни янада ривожлантириш учун парваришлаш агротехникасини доимо такомиллаштириб, замонавий техника ва технологияларга мослаб бориш билан бир қаторда мевали боғларда учровчи зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш талаб этилади.

Калит сўзлар; инли куяси хашорат зараркунанда лимон

Аннотация: В настоящее время кунда мевачилик Узбекистан экспортирует основную продукцию, садоводы фермерлы зиммасига собирают фрукты и собирают урожай кескин-кутариш, качественную продукцию айшилаш, Курук готовит фрукты хаджмин ошириш, жители Хамда қайта ишлаш санатини сырьевые товары поставляют товары, качество продукции четга чиқариш Юклатилади. При выращивании фруктов постоянно совершенствующаяся агротехника, современная техника и технологии мослабывають осадки, защищая садовые плоды от вредителей, болезней и посторонних.

Ключевые слова: Жемчужница, хашорат, хармкуранда, лимон

Abstract : Currently, kunda mevachilik Uzbekistan exports the main products, gardeners of farmers zimmasiga harvest fruits and harvest keskin-kutarish, quality products aishshilash, Kuruk prepares fruits hajmin oshirish, residents of Hamda kaita ishlash sanadini raw materials supply goods, the quality of products is chetga chikarish Yuklatiladi. When growing fruits, constantly improving agricultural technology, modern machinery and technologies reduce precipitation, protecting garden fruits from pests, diseases and outsiders.

Keywords; Pearl moth hashorat harmkuranda lemon

Кириш: Мева маҳсулотларини етиштиришда айниқса, етиштирилаётган лимон зарарунандаларини ўз вақтида аниқлаш, ривожланиш ва зарар келтириш даражасини аниқлаш ҳисобига самарали кураш чораларини белгилаш ниҳоятда муҳимдир.

Зероки, зараркунандаларни ривожланиб, зарар келтириши ўсимлик тўқимасида шира айланиши бошлангандан то куртак чиқариб, мевалаш, ҳосилни пишиб етилиши даври охиригача яъни бутун вегетация даври мобайнида давом этади. Республикамизда цитрус мевалар етиштирни кенгайтириш, уларнинг селекцион ишларини янада ривожлантириш, мавжуд боғларда агротехника ва меҳнатни тўғри ташкил этиш орқали улардан самарали фойдаланиш давр талабидир.

Юртдошларимиз хонадонида етиштирилаётган лимон, мандарин, апельсин сингари цитрус мевалар рўзғордан ортиб ички ва ташқи бозорларга ҳам етказиб берилмоқда. Бу жараёнда ўсимликларни турли зарарли ҳашаротлардан асраш муҳим вазифа ҳисобланади. Хусусан, цитрус ўсимликлар учун энг катта хавф цитрус инли куяси ҳашоратидир. У цитрус ўсимликларига катта зарар келтириб, айниқса, лимон ўсимлигининг хавфли кушандасидир.

Ўзбекистон Республикаси қайд этилган ички карантин зараркунанда ҳашаротларга цитрус оқканоти (*Dialeurodes citri* Ashm.), шарқ мевахўри (*Grapholita molesta* Busck.), Колорадо кўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say.), цитрус инли куяси (*Phyllocnistis citrella*

Stain.), комсток курти (*Pseudococcus comstocki* Kuw.) ва Калифорния калқондори (*Quadraspidotus perniciosus* C.) ҳашаротлари киради. Республикамиз шароитида цитрус уяли куяси ва цитрус оққанотлари кўпроқ зарар етказди. Ўртача зарарланган дарахт назоратга нисбатан 32,1 % кучли зарарланганлари эса 60 % гача ҳосилни йўқотар экан. Изланишлар ва айрим тадқиқотларга кўра цитрус уяли куяси билан зарарланган 1 га майдонда етиштирилган цитрус ўсимликларнинг 55 – 70 % ҳосилнинг кучли зарарланиши аниқланган. Ўзбекистонда Цитрус инли куяси Тошкент вилояти ҳудудида аниқланган. Хусусан, цитрус ўсимликлар учун учун энг катта ҳавф Цитрус инли куяси – (*Phyllocnistis citrella* Stainton) ҳашаротидир. У цитрус ўсимликларига катта зарар келтириб, айниқса, лимон ўсимлигининг ҳавфли кушандаси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда у мандарин ва грейпфрутда ҳам яхши ривожланади, Цитрус инли куяси асосан цитрус ўсимликларида лимон, мандарин, апельсин, трифолиат, чой, хурмо, шилви, настарин, дафна, жасмин, камфара, гардения, лигуструм каби ўсимликларга катта зарар келтиради. У фақат дарахтларнинг баргларида ривожланади, шу боисдан қиш мавсумида барглари тўкадиган дарахтлар ва буталар қишда цитрус инли куясидан тозаланиб туради. Личинкалари барглари сўриб, унинг шарбати билан озиқланади, бундан барглар кучсизланади ва ўсимликлар ҳосилдорлиги пасаяди.

Зараркунандани ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимликларни доимий текшириб туриш; Хўжалик кўчат етиштириб, сотишга ихтисослашган бўлса, фумигацион камераларга эга бўлиши, кўчат ва қаламчаларни жўнатишдан олдин зарарсизлантириши;

Карантин ҳолати жорий қилинган хўжаликларда ўсимлик маҳсулотларини карантин инспекциясининг рухсатсиз ташқарига олиб чиқиб кетмаслик, каби тадбирларни ўз ичига олади.

Цитрус инли куяси ҳашароти Осиё, Австралия, Жанубий Африка, Шарқий ва Ғарбий Африка, Марказий ва Жанубий Америка давлатларида

тарқалган бўлиб, Ўзбекистонда асосан, Тошкент вилояти ҳудудида аниқланган.

Ҳашарот капалагининг кулранг қанотлари 4-5 мм узунликда бўлади. Олдинги жуфт қаноти иккита тўқ чизик, ўртасида эса V шаклида белгиси ва тепа учида қора доғлари бор. Қанотининг ўрта олдинги четигача узун тўқ сариқ рангда туклари бор. Попуклари орқа қанотида ҳосил бўлади. Орқа оёқларининг болдир қисмида тепага қараган қора ўсимтаси бор. У лимон баргининг остки томонига жойлашиб кеч кузга қадар зарар келтиради.

Цитрус инли куясининг ривожланиш муддатларига аниқлик киритилиб, улар ривожланишининг фенологик календарлари тузилади, об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланиши, тарқалиши ва зарар келтириш даражаларини аниқланади. Цитрус инли куясининг иқтисодий зарар келтириш чегараларини ҳисобга олган ҳолда кураш чоралари такомиллаштирилади. Иссиқхоналардаги лимон ўсимлигини цитрус инли куясидан ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёжни режалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилади.

Цитрус инли куяси нуфузининг мониторинг тизимини қўлланилиши ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотларининг хизматчиларига кураш усулларини ва муддатларни белгиловчи илмий асос бўлиб хизмат қилади. У экинларни ўз вақтида ҳимоялашга ва унга ишлов бериш сонини камайтиришга имкон яратади. Бу маълумотлар асосида ўн кунлик, ойлик хариталар ва йиғма жадваллар тузилади ва улар цитрус инли куяси ривожланиши ва тарқалишини назорат қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Рахмонова, М. К., & Қодиржоновна, Қ. М. (2023). Тут Парвонасига Қарши Биологик Кураш. *Ta'lim Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnali*, 3(9), 97-101.

2.Рахмонова, М. К., Севара, Қ., & Абдулазизова, С. (2023). Комосток Қурти Биологиси Тарқалиши Учраш Даражалари. *The Theory Of Recent Scientific Research In The Field Of Pedagogy*, 1(13), 26-29.\

3. Доспехов Б.А. Методика Полевого Опыта. – Москва, 1985. – 351 С.

4.Мехнат, 1986. – С.123-131.

5.Колесников Б.А. Биологические Основы Размножения Растений. Плодоводство. – Москва, “Колос”, 1979. – С.170-190.